

## Покистон ҳалол маҳсулотларни экспорт қилишни режалаштирмоқда



13:02 / 16.01.2020 2346

Покистоннинг Ҳалол бошқарув идораси халқаро бозорларга ҳалол маҳсулотларни, айниқса гўшти экспорт қилишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Urdu Point га таяниб, iqna нашри хабар беради.

«Покистон 160 миллион қорамол етиштириб берадиган давлатлардан бири ҳисобланади» - дейди, Покистон Ҳалол бошқарув идораси бош директори Муҳаммад Тариқ Масуд.

— Аммо дунёдаги чорвачилик бозорининг 3 триллион долларга тенг бўлган улуши, сут, мол гўшти, қўзичоқ, паррандалар, тухумлар, жунлар, терилар ва суюқлардир. Бошқа мамлакатлардаги мусулмонлар ҳалол маҳсулотларга, айниқса ҳалол гўштга эга бўлишда қийналмоқда. Аксарият

покистонликлар ҳалол гўштга талаб кескин кўтарилган жумладан АҚШ, Буюк Британия ва бошқа Европа давлатларида яшайдилар. Покистон бу имкониятдан фойдаланиши керак.

***Islom.uz* портали таҳририяти**